

Имом Деҳлавий наздида ширкнинг кўринишлари ва қисмлари | Ақийда дарслари (281-дарс)



19:00 / 10 июнь 1093

Имом Деҳлавий «Ҳужжатуллоҳил Болиға»нинг 1-жилд, 128-бетида айтади:

«Биз сени Аллоҳ таоло шариати Муҳаммадияда – соҳибига салавот ва саломлар бўлсин – ширк ҳисоблаб, улардан қайтарган ишлардан огоҳлантирамыз:

1. Саждада ширк келтириш.

Жоҳилиятда мушриклар санамларга ва юлдузларга сажда қилишарди. Улар Аллоҳдан ўзгага сажда қилишдан қайтарилдилар.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

الَّذِي لِلَّهِ وَأَسْجُدُوا لِلْقَمَرِ وَلَا لِلشَّمْسِ تَسْجُدُوا لَا

خَلَقَهُنَّ

«Бас, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманг. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинг» (Фуссилат сураси, 37-оят).

2. Ёрдам сўрашда ширк келтириш.

Шунингдек, улар беморга шифо бериш, камбағални бойитиш каби ҳожатталаб ишларда Аллоҳдан ўзгадан ёрдам сўраб эдилар. (Назр қилишдаги ширк келтириш ҳам шулар жумласига киради. Чунки Аллоҳдан ўзгага назр қилувчи келган ёрдамга шукр қилиш мақсадида ёки бўлажак ёрдамдан умид қилиб назр атайди). Мушриклар ҳам санамларига назр атар ва ўша назр туфайли улардан мақсадларига эриштиришларини кутар эдилар. Баракот умидида уларнинг исмларини тиловат қилардилар.

Аллоҳ таоло мусулмонларга намозларида «**Иййаака наъбуду ва иййаака настаъийн - Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз**» (Фотиҳа сураси, 4-оят), деб айтишни вожиб қилди. Бу сажда ва ибодатда ширк келтиришдан, шунингдек, ёрдам сўрашда ширк келтиришдан қайтариш эди.

Аллоҳ таоло марҳумат қилади:

أَحَدًا اللَّهُ مَعَ تَدْعُوا فَلَا ۞ ۱۸

«Бас, Аллоҳдан бошқага дуо қилманг!» (Жин сураси, 18-оят).

(Чунки дуо ёрдам сўраш учун бўлади. Шунинг учун ҳам ҳожатларда, мусибат ва аламларда Аллоҳдан бошқага дуо қилиш ман қилинган).

3. Улуҳиятда ширк келтириш.

Мушриклар ўзларининг баъзи шерик худоларини Аллоҳнинг қизлари, ўғиллари деб аташарди (ва буни – Аллоҳ асрасин – бут-санамлар (ўз эътиқодларига кўра) илоҳнинг жузъи бўлганлари учун улуҳият ҳаққини бериш учун қилар эдилар). Батаҳқиқ, бу ишдан жуда ҳам қатъий равишда қайтарилдилар:

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

الْأُنثَىٰ تَسْمِيَةَ الْمَلَائِكَةِ لِيُسْمُونَ بِالْآخِرَةِ يُؤْمِنُونَ لَا الَّذِينَ إِنَّ

مِنْ يُعْنَىٰ لَا الظَّنَّ وَإِنَّ الظَّنَّ إِلَّا يَتَّبِعُونَ إِنَّ عِلْمٍ مِنْ بِهِ لَهُمْ وَمَا

شَيْئًا الْحَقَّ

«Албатта, охиратга иймон келтирмаганлар фаришталарни аёл номи билан номларлар. Уларда бу ҳақда ҳеч қандай илм йўқ. Улар гумонга эргашадилар, холос. Албатта, гумон ҳақиқат ўрнига ўтмас» (Нажм сураси, 27-28-оятлар).

النَّصْرَى وَقَالَتِ اللَّهُ ابْنُ عَزِيرٍ الْيَهُودُ وَقَالَتِ

بِأَفْوَاهِهِمْ قَوْلُهُمْ ذَلِكَ اللَّهُ ابْنُ الْمَسِيحِ

اللَّهُ قَاتِلُهُمْ قَبْلُ مِنْ كَفَرُوا الَّذِينَ قَوْلَ يُضَاهُونَ

يُؤْفَكُونَ أَنَّى

«Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Насоролар: «Масих Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар. Бу оғизлари билан айтган гапларидир. Аввалги куфр келтирганларнинг гапига ўхшатурлар. Аллоҳ уларни лаънатласин. Қаёққа ўгирилиб кетмоқдалар?!» (Тавба сураси, 30-оят).

4. Шариат жорий қилишда ширк келтириш.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

بِهِ يَا أذنُ لَمْ مَا الدِّينِ مِنْ لَهُمْ شَرَعُوا شُرَكَؤُا لَهُمْ أَمْ

ع
الله

«Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шериклари борми?!» (Шууро сураси, 21-оят).

Яхудийлар ўз аҳбор(диний олим)лари ва роҳибларини Аллоҳдан ўзга робблар қилиб олар эдилар. Яъни ўшалар ҳалол деган нарсани қилса бўлаверадиган ҳалол нарса, улар ҳаром қилган нарсани эса гуноҳ бўладиган ҳаром нарса деб эътиқод қилар эдилар.

Аллоҳ таолонинг **«Аллоҳдан бошқа ўзларининг ҳибр ва роҳибларини Робб тутдилар»** (Тавба сураси, 31-оят) ояти нозил бўлганида Адий ибн Хотим Расулуллоҳ алайҳиссаломдан у ҳақда сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Улар аларга бир нарсаларни ҳалол қилишса, ҳалол деб қабул қилишар, ҳаром қилишса, ҳаром деб қабул қилишарди»**, дедилар.

Бир нарсани ҳаром қилишнинг маъноси – фалон нарса учун жазо чораси кўрилади, дейишдир. Ҳалол қилиш эса – фалон нарса учун жазо чораси кўрилмайди, дейишдир. Бас, жазо чорасини кўриш ва кўрмаслик Аллоҳнинг сифатларидандир.

Аммо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳалол ва ҳаром қилиш нисбатини бериш эса у кишининг гаплари Аллоҳнинг ҳалол ёки ҳаром қилганига қатъий белги бўлганидандир. Аллоҳ таоло у зот ҳақида дейди:

الْخَبِيثَاتِ عَلَيْهِمْ وَيَحْرَمُ الطَّيِّبَاتِ لَهُمْ وَيُحِلُّ

«Уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қилади» (Аъроф сураси, 157-оят).

Ушбу икки нарсани у зотнинг умматидан бўлган мужтаҳидларга нисбат бериш эса уларнинг шариатда Аллоҳ таолодан келган нассни ривоят қилишлари ёки Унинг каломидан ушбу маънони чиқариб олишлари маъносидадир.

5. Аллоҳдан ўзгага атаб жонлиқ сўйиш ила ширк келтириш.

Мушриклар санамларга ва юлдузларга қурбат ҳосил қилиш мақсадида уларга атаб жонлиқ сўяр эдилар. Бунда ўша нарсаларнинг номини баралла айтиб сўйишар ёки махсус бутларига олиб бориб сўйишарди. Бас, Аллоҳнинг қуйидаги сўзлари ила бундан қайтарилдилар:

بِهِ ۛ اللَّهُ لَغَيْرِ أَهْلٍ وَمَا

«...Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган...» (Моида сураси, 3-оят).

عَلَيْهِ ۛ اللَّهُ أَسْمُ يُذَكَّرُ لِمِمَّا تَأْكُلُوا وَلَا

«Устида Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсаларни еманглар» (Анъом сураси, 121-оят).

Баъзи ҳайвонларни шерик худоларга атаб, улардан фойдаланмасдан, қўйиб юборишлари ҳам шу турдаги ширк қаторига киради.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

سَائِبَةٌ وَلَا بِحَيْرَةٍ مِنَ اللَّهِ جَعَلَ مَا

«Аллоҳ на баҳийра, на сойба... қилгани йўқ» [1] (Моида сураси, 103-оят).

6. Аллоҳдан ўзганинг номи билан қасам ичиш ила ширк келтириш.

Улар баъзи кишиларнинг исмларини муборак, улуғ деб эътиқод қилишар, уларнинг исми билан ёлғондан қасам ичганинг молу дунёсига ва аҳлига нуқсон етади, деб ўйлар эдилар. Шунинг учун бу ишни қилишмас ва таллашиб қолган одамлардан ўшаларнинг исмлари ила қасам ичишни талаб қилишарди. Бас, бу ишдан ман қилиндилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Аллоҳдан бошқа ила қасам ичса, батаҳқиқ, ширк келтирибди**», дедилар».

(Абу Довуд ва Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишган).

Бундан мурод таҳдид қилиш эмас, балки биз юқорида зикр қилган эътиқодга кўра, Аллоҳнинг номидан бошқа ном ила айтилган ўтимли ёки ёлғон қасамдан қайтаришдир.

7. Аллоҳдан ўзгага ҳаж ёки зиёрат қилиш ила ширк келтириш.

Яъни ўша Аллоҳга шерик деб эътиқод қилинаётганларга хос табаррук жойларга уларга қурбат ҳосил қилиш учун бориш.

Шариат бу ишлардан қайтарган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кўч боғлаб бориш фақат уч масжидгагина бўлади...**» дедилар».

(Бешовлари Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

8. Ном қўйишдаги ширк келтириш.

Мушриклар ўз болаларига Абдул Уззо, Абдушшамс каби номларни қўяр эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ширкка ишора қилувчи кўплаб исмларни ўзгартирдилар. «Исмларнинг энг афзали Абдуллоҳ ва Абдурраҳмон», деган мазмундаги гапни айтдилар.

Ушбу нарсалар ширкка олиб борувчи нарсалар бўлиб, шариатда улардан қайтарилгандир. Аллоҳ ўта билувчидир.

«Хужжатуллоҳи Болиға»дан мухтасар ҳолда, тафсилотлари билан олинди, сарлавҳалар қўйилиб, баъзи оятлар қўшимча қилинди.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

[1] Жоҳилият даврида ўнта урғочи тева туққан туяни олиҳалар учун деб қўйиб юборилар, минилмас, сутини ичилмас эди. Унинг сути фақат боласига ёки меҳмонга бериларди, холос. Ўлгандан кейингина гўштини ер эдилар. Ана ўшандай туя «соиба» (қўйиб юборилган) деб номланган. «Соиба»нинг ўнинчи урғочи боласини ҳам қулоғини тилиб, онаси каби қўйиб юборишган. У «баҳийра» (қулоғи тилинган) деб аталган.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.